

Риёзус солиҳийн / Риёзус солиҳийн / 204-ҳадис

## 1. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Абу Бакр: «Эй инсонлар, сизлар қуидаги оятни ўқиганмисизлар? «**Эй мүминлар, ўзингизни билинг!** (Яъни, гуноҳлардан сақланинг!) **Модомики, ҳақ йўлни туттган экансиз, адашган кимсалар сизларга зарар етказа олмас**» (Моида сураси, 105-оят). Чунки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «**Одамлар золимни кўра туриб, унинг қўлидан тутишмас экан, Аллоҳ яқинда уларга умумий қилиб азоб юборади**», деб айтганларини эшиздим», дедилар.

*Абу Довуд, Термизий ва Насаийларнинг саҳиҳ санад билан қилган ривояти.*

Манба: hadis.islom.uz

